

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ХУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН ТАРИХИЙ
ОБИДАЛАРЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИ
ХОДЖАЕВА ЗУЛФИЯ ШУХРАТОВНА (ТАҚУ)**

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада Бухоро шаҳрида барпо этилган тарихий обидаларнинг юк кўтарувчи деворларни сақлаши, таъмирлаши масалалари очиб берилган. Архитектура ёдгорликларининг юк кўтарувчи элементлар тахлил қилинган, танланган объекти кучайтириши бўйича асосий хулосалар берилди.

АННОТАЦИЯ: В данной статье раскрыты вопросы сохранения, ремонта и реставрации несущих стен исторических памятников, построенных в городе Бухаре. В качестве исследуемого объекта был выбран несущие стены архитектурных памятников, исследованоресущие элементы памятников и приведены основные выводы по выбранному по усилению несущих стен объекта.

ABSTRACT: This article addresses the issues of preservation, repair and restoration of load-bearing walls of historical monuments built in the city of Bukhara. The load-bearing walls of architectural monuments and the supporting elements of the monuments were chosen as the object under study, and the main conclusions on the choice of strengthening the load-bearing walls of the object were presented.

Калим сўз ва иборалар: меъморий обида, обиданинг техник ҳолатини текшириши, реконструкция қилиши, сақлаши, юк кўтарувчи девор.

Ключевые слова и словосочетания: мемориальный памятник, осмотр технического состояния памятника, реконструкция, консервация, несущая стена.

Key words and word combinations: memorial monument, inspection of the technical condition of the monument, reconstruction, preservation, bearing wall..

Бухоро олис тарихи давомида меъморий обидалар бир неча бор қайтадан тикланиб, реконструкция қилиниб, бунёд этилган. Лекин шаҳар ўз тарихий илдизларидан ҳеч қачон узилиб кетмаган. Хозирги кунга қадар меъморчилик ёдгорликлари сақлаб қолиш уни таҳник ҳолатини аниқлаш долзарб муаммолардан бири. Тарихий маълумотларга кўра, XX аср бошларида тарихий обидалар сони 550 га яқин бўлган. Бугунги кунга келиб, шаҳарда 300 га яқин ёдгорликлар сақланиб қолган.

Мустақиллик йилларида Бухорони замонавий ва миллий шаҳарсозлик асосида қайта қуриш, ободонлаштириш ҳамда бунёдкорлик ишлари ана шу ёдгорликларни асл тарихий ҳолида тиклашдан, таъмирлашдан бошланди. Дастлаб Баҳовуддин Нақшбанд, Сайид Амир Кулол, Чор Бақр каби тарихий мажмуалар асл тарихий асосида қайта қад ростлади. Кейин шаҳар бағридаги Чашмаи Аюб, Даҳмаи Беҳиштиён, Ҳазрати Абу Хафс Кабир, Шайх Абу Бақр Гулободий, Ҳожа Исматуллоҳ Валий каби улуғ алломалар номлари билан боғлиқ зиёратгоҳлар, мақбаралар, масжид ва мадрасалар асл ҳолида қайта тикланиб, обод қилинди. Бухорода ҳар қадамда тарих билан юзлашасиз. Унинг ҳар бир обидаси, мадраса, масжиди, минораси, ховуз, хиёбони, бозор ва кўчалари ўтмиш гувоҳлари сифатида намоён бўлади.

Ўз даврининг ҳаётий эҳтиёжлари туфайли бунёд этилган бу ҳайратомуз иншоотлар, иморатларда кекса тарих билан биргаликда аждодларимизнинг юксак ақлзаковати, донишмандлиги, илмий салоҳияти, дунёвий маданияти, ғаройиб санъати ҳам ўз ифодасини топган. Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришгач миллий қадриятларни тиклаш ва ривожлантириш, маданий мерос, айниқса тарихий-меъморий обидаларни асраш, уларни келгуси авлодга етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда [1].

Бугунги кунда Бухорода 660 та моддий-маданий мерос объектлари рўйхатга олинган бўлиб, 231 таси археология объектлари, 364 таси архитектура ёдгорликлари (8 та


мақбара, 47 та масжид, 14 та карвонсарой, 39 та мадраса), 19 таси монументал санъат асарлари, 22 таси архитектура ансамблари ва 24 таси диққатга сазовор жойлардир. Шулардан 331 таси Республика аҳамиятидаги ва 329 таси маҳаллий аҳамиятдаги моддий-маданий мерос объектлари ҳисобланади. Бухоро шаҳрида 300 дан ортиқ ҳовуз бўлганлиги XIX аср ҳужжатларида қайд қилинган. Чашмадек қайта кўз очган Бухоро ҳовузлари эса асрлар оша шаҳарга кўрку тароват баҳш этаверади.

Бухорода 140 дан ортиқ йирик тарихий-меъморий ёдгорликлар мавжуд. Улар орасида Бухоро Арки, Сомонийлар мақбараси, Чашмаи Айюб мақбараси, Мағоки Аттори масжиди, Намозгоҳ масжиди, Пойи Калон ансамбли, Қалъа девор қолдиқлари, Минораи Калон, Масжиди Калон, Мир Араб мадрасаси, Тим ва тоқилар, Лабиҳовуз ансамбли, Улугъбек мадрасаси, Чор Минор, Болоҳовуз масжиди, Ситораи Моҳи Хосса ансамбли ва бошқа обидалар сайёҳларни мафтун этади. Бундай қадимий меъморий ёдгорликларни сақлаб қолган Бухоро сайёҳларнинг энг севимли жойларидан бири бўлиб қолаверади. Бухоро ўзининг жозибаси билан бутун дунёдан миллионлаб кишиларнинг эътиборини тортиб келади [2].

Тарихий обидалар қурилиши, меъморчилиги, архитектураси меъморий хазина сифатида минг йиллик тарихдан сўзлайди. Уларнинг бугунга қадар мавжудлиги сири ҳеч шубҳасиз, моҳир уста меъморларнинг билими, ақл-заковати, иморатларда ишлатилган қурилиш ашёлари, материаллари натижасидир. Обидалар қурилишида унинг қоришмасига товуқ тухуми, эчки сути, турли қуқун ва мойларнинг аралаштирилганлиги қатор китоб ва манбаларда учрайди. Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда ҳам иншоотларнинг умрбокийлигини аждодларимизнинг аниқ фанларни чукур ўзлаштиргани, ўлчов ва ҳисоблашларни бехато амалга оширгани таъминламоқда.

Бухоро – жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлиб, у 2500 йиллик тарихга эга. Бухоро номи дастлаб IX асрда тарихчи Наршахий томонидан зикр этилган. Мутахассисларнинг эътироф этишларича, 2500 йиллик бой тарихи давомида Бухорода жуда кўп сулолалар ҳукмронлик қилинган, беҳисоб тарихий шахслар яшаб ўтган. Ҳукмдорлар, мансабдор бойлар ва тарихий шахслар томонидан мадрасаю масжидлар, мақбаралар, савдо марказлари, карвонсаройлар, ҳаммомлар ва бошқа маданий мерос объектлари барпо этилган. Шундай объектларнинг катта қисми тарихда рўй берган турли табиий оғатлар, босқинлар сабабли вайрон этилган ёки йиллар давомида қумлар остида қолиб кетган. Аммо археологик ёдгорлик сифатида сақланиб қолинган.


Куйида Бухородаги мавжуд тарихий обидалар ва уларнинг техник ҳолати бўйича фотолавҳалар келтирилган (1-12 - расм).



1-расм. Бухородаги Арк деворининг таъмирланишидан олдинги кўриниши




2-расм. Арк деворини қайта таъмирлаш жараёни



3-расм. Арк деворининг ҳозирги кўриниши



4-расм. Бухородаги Абдулазизхон мадрасаси пештоқ конструкциясининг умумий кўриниши



5-расм. Абдулазизхон мадрасаси арка конструкциясида
пайдо бўлган ёриқнинг кўриниши



6-расм. Мадраса кўча томондан авария холатидаги кўриниши




7-расм. Бухородаги Тошсарой мадрасасининг авария
ҳолатидаги қўриниши



8-расм. Бухородаги Туркман мадраса иншоотининг
хозирги қўриниши




9-расм. Бухоро шаҳридаги Мулла Турсунжон мадрасасининг фасад қисми



10-расм. Бухоро шаҳридаги Раҳмонқул мадрасасининг ҳозирги кўриниши



11-расм. Бухоро шаҳридаги Турк Жанди мадрасаси пештоғи



12-расм. Бухоро шаҳридаги Ҳусаини мадрасасининг ички таъмирталаб ҳолдаги кўриниши

1997-йилда Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан Бухородаги бир қатор обидалар қайта таъмирланган. ЮНЕСКО ташкилотининг Бутун Жаҳон ёдгорликлари рўйхатига киритилди. 2000-йил 30-августда “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ти қонун қабул қилинди. Шу ва бошқа қонунлар иншоотнинг ҳуқуқий ваколати ҳисобланади [3].

Марказий Осиёда энг кўп қурилган архитектура иншоотлари орасида ўкув масканларининг жуда кўплиги бошқа мамлакатлар қурилишидан ажralиб турувчи энг асосий ўзига хослиkdir. Биргина Бухоронинг ўзида Арслон Бургоҳон ҳукмронлиги даврида 318 та мадраса бўлган. Бу мадрасаларда эса 12 000 та талаба таҳсил олишган. Бухоро шаҳрининг номи “Вихара” санскрит иборасидан олинган бўлиб, у “Мадраса” ёки “Ўқитиш жойи”, “дарсхона”, “дарс бериладиган жой” деган маъноларни англатади. Бухоро – илмлар, билимлар макони; Яна бир маъноси “Бухоро – тангри жамоли” деган маъноларни англатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

- Ходжаева З. Ш., Бобокулов М. Б., Жумаев Ш. Самоний мақбараси тарихий обидасининг конструктив ечимлари ва тахлили //Involta Scientific Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 104-108.
- Zulfiya K., Alisher I. Минораларнинг конструктив схемаларининг шаклланиш босқичлари //Involta Scientific Journal. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 86-93.
- З.Ш Ходжаева, И.И Сабитова . Лира-Визор дастури асосида Сомоний мақбараси статик ва динимик кучлар таъсирига ҳисоблаш.- GOLDEN BRAIN, 2023. – Т. 1. – № 20, С. 85-91

УДК 699.841: 624.042.7

ИЗУЧЕНИЕ И АНАЛИЗ ЗАВАЛОВ, ОБРАЗУЕМЫХ ПРИ ЗЕМЛЕТРЯСЕНИЯХ

проф. З.С.БУЗРУКОВ, ст.преп. А.С.АБДУРАХМАНОВ

(Наманганский инженерно-строительный институт)

Аннотация. В статье освещаются вопросы организации ликвидации последствий недавно произошедшие сильных землетрясений в некоторых местах нашей планеты. В соответствии с MMSK-86 показана о принятии классификации степеней повреждения зданий и сооружений. В том числе анализируя последствия землетрясений даны о качественном составе завалов, образованных при разрушении рассматриваемых типов зданий и приведены классификации в зависимости от состава основной массы обломков завалов.